



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва худуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Саидахроф Саидахмедович Ғуломов – ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЪЛИМ СИФАТИГА, ТАЪЛИМ СИФАТИ ПЕДАГОГНИНГ МАСЪУЛИЯТИГА БОҒЛИҚ

Аннотация: мақолада Учинчи Ренессанс шакллантиришда таълим сифатининг ўрни, таълим сифатини оширишда педагогнинг масъулияти муҳим эканлиги, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги атрафлича қараб чиқилган. Тадқиқот натижасида учинчи ренессанс шакллантириш учун таълим сифатини ошириш билан боғлиқ тўққиз банддан иборат илмий-амалий тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, таълим сифати, педагог масъулияти, ренессанс, инновация, интеллектуал салоҳият, соғлом турмуш тарзи, янги авлод.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Бизнинг юртимиз буюк алломалар юрти. Жаҳонда илк бор уйғониш даври бизнинг юртимизда бошланган десак хато бўлмайди. Чунки Биринчи Ренессанс натижасида Хоразмдаги Маъмун академиясига асос солинган бўлса, Иккинчи Ренессанс Самарқандда Улуғбек, али Қушчи каби алломалар иштирокида яратилган астрономия мактабларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг пойдеворини шакллантиришнинг асосий йўналишларининг марказида таълим турибди. Юртбошимиз ўзининг 2022 йил 20 декабрдаги халқимизга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгайди. Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз. Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади”¹. Миллий ўзлгимизни англаб, аждодларимизга муносиб бўлишни хоҳлаган ёшларга эътибор янада кучайтирилади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, “**Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир**”². Ушбу ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йилдаёқ тараққиётнинг бир қанча муҳим омилларига қатта аҳамият бериб келди. Жумладан, 2022 йил 6 июлда “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Шу куни “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарорига ҳам имзо чекилди. Юқоридаги номи зикр этилган Президент Фармони ва Қарорида “Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш”³ масаласи устувор вазифалар сифатида белгиланган эди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун жуда қатта ишларни бажариш кўзда тутилган ва бу борада қизғин ишлар кетмоқда.

Бирок, ўзимизда мавжуд бўлган бир қанча камчиликларимизни тугатиш ва муаммоларимизни ҳал қилиш чораларини кўришимиз, буларни бартараф қилиш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 21 декабрь. – 1-3-бетлар.

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлда “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 7 июль. 136-сон. – 2 бет.

тегишли “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилишини кечиктирмасдан амалга оширишимиз лозим. Шу йўл билан таълим сифатини ошириб, Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш мумкин. Бу эса мазкур мавзунинг ўта долзарб масалага бағишланганлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Таълим сифатини ошириш бўйича мамлакатимиз олимларидан А.В.Вахабов, М.Ш.Шарифхўжаев, Ё.А.Абдуллаев, Қ.Х.Абдурахмонов А.А.Салимов, Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Бахтиёров, Қ.Ж.Мирзаев, Т.З.Тешабоев, М.Х. Саидов, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Г.Н.Ахунова, Д.Х.Набиев, А.Ш.Бекмуродов, А.С.Кучаров, А.О.Очилов, Ҳ.П.Абулқосимов, Н.У.Арабов, Н.Р.Рахмонов, О.С.Қаҳҳоров, Р.М.Усманова, О.Д.Рахимов, З.Б.Кузиев, А.А.Хамидова, С.А.Исхакова, Х.Х.Режапов, Ш.Ш.Захидова, Г.С.Саъдуллаева кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Мазкур мақолада айнан бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб тўққизта тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таълим сифатини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда макон ва замон, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Барча қилинаётган ишлардан мақсад дунё тамаддунида ўз ўрнимизга эга бўлиш, мамлакатимизни барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Бунинг учун Учинчи Ренессанснинг пойдеворини бугуноқ шакллантиришга киришишимиз лозим. Бунинг бир қанча йўналишлари мавжуд. Булар:

Биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанснинг пойдеворини қуриш учун ижодкор, **интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаб** етиштириш керак бўлади. Одам ижод қилишни билмаса, атрофдаги ҳодиса ва жараёнларга тегишли баҳо бера олмаса ва улардан хулоса чиқариб, ўзининг фикрини шакллантириш қобилиятига эга бўлмаса, бундайлардан ижодкорлар чиқмайди ва Ренессанс ҳақида гапириб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди. Шунинг учун барча кучларни ва тадбирларни болаларни ижодкор қилиб тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Чунки Ал-Хоразмий, Беруний, Алишер Навоий, Улуғбек, Ибн Сино каби мутафаккирлар олдинги Ренессансни ўзларининг ижодкорлиги билан шакллантирган. Шу жиҳатдан бугунги кунда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш лозим бўлмоқда.

Ҳозир олий ўқув юртларига кирган аксарият ўқувчилар мактабдан ташқарида репетиция йўли билан билим олиш эвазига эришмоқда. 2022 йил тест натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, барча абитуриентларнинг ярмига яқин қисми қониқарсиз баҳо олган. Демак мактаб таълимини тубдан ўзгартириш лозим бўлмоқда.

Иккинчидан, ҳозирги кунда биз таълим тизимида асосий эътиборни билим беришга қаратмоқдамиз. Бу билан мақсадга тўлиқ эришиб бўлмайди. Билим ҳозирги тезкор замонда эскириб қолиши табиий. Уни тизимли равишда янгилаб бориш учун ҳам **инсон ақлини кучайтириш**, ижодкорликни оширишга асосий эътиборни қаратишга тўғри келмоқда. Ҳозирги кадрлар ҳар қандай вазиятда мавжуд ҳодиса ва жараёнларга илмий жиҳатдан баҳо бера оладиган бўлиши лозим. Шундагина мутахассисларимиз замон билан ҳамнафас, кези келганда рақобатбардош кадр бўлади. Аммо бу муаммо кескинлашиб бормоқда. Чунки, охирги 5 йил давомида олий таълимга қабул қилиш даражаси 3-4 баробар ошгани учун ва кўп яхши педагоглар хусусий университетлар ва филиалларга ўтиб кетаётгани учун, малакали педагоглар танқислиги ошмоқда. Олий таълимга зарур бўлган кадрлар штатини шунчаки педагоглар билан тўлдириш эмас, балки энг иқтидорли, билимдон, маҳортли педагогларни ушбу соҳага жалб қилиш лозим. Бунинг учун магистратура мутахассисликларига, энг юқори рейтинг олган талабаларни жалб қилиш орқали, уларнинг энг иқтидорлиларини 3-курсдан бошлаб, ушбу йўналишга бошқариш ва маълум тажрибаларини ҳам орттириб бориш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги замонавий педагоглар назария ва амалиётни билиши ва ушбу билимни магистрларга ўргатиши билан бирга уларга нотиклик санъатини, педагогик технологияларнинг ҳам илғор инновацион усулларини ўргатиш бўйича тегишли

тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Шунингдек, магистрларга алоҳида маҳорат дарсларини ташкил қилиш, талабалар руҳиятини ўрганиш билан боғлиқ билим ва кўникмалардан ҳам хабардор қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Магистратурага ҳозиргидек, фақат инглиз тилидан ёки бошқа хорижий тиллардан тегишли баҳо ва сертификатга эга бўлганларни хоҳлаган йўналишга эмас, ўзининг битирган йўналиши ва унга яқинроқларига йўллаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Учинчи Ренессансни яратиш учун инсоннинг **фикрлаш қобилиятини** ўнглаш лозим бўлади. Инсонда фикрлаш қобилияти шаклланмаса ижодкор бўлиши қийин. Инсоннинг илм эгаллаш қобилияти қанча ошиб борса, илми ҳам шунча ошиб, энг муҳими янгилашиб боради. Бундай илмдан самара кутиш мумкин. Шу нуқтаи назардан болаларимизга таълим беришда ёдлатишдан кўра фикрлашга кўпроқ ўргатишимиз лозим. Мантиқий фикрлайдиган бўлса, ҳар қандай вазиятга баҳо бера олади ва тегишли хулоса ҳам чиқариб, уни яхшилаш бўйича фикрини ҳам айта оладиган бўлади.

Бу ўзаро боғлиқлик Янги Ўзбекистонда ақл-заковатнинг ўсишини таъминлайди. Бунинг шакли сифатли таълим моделига эришиш омилларининг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бу қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Инновация ва янги билим яратиш қобилияти			
Илғор тиббиётга ва ақилли оилага боғлиқ 70% (Сукрот)	30-35 % наслга боғлиқ		*7-10 авлоднинг интеллектуал салоҳияти (бўри, куш ва қўй болаларининг қобилиятидаги фарқ)
	30-35 % яширин очарчиликни камайтириш Хотирани яхшилашнинг 7 принципи ва 7 турини ишлатиш		*интеллектуал салоҳиятни ўстиришга йўналтирилган овқатлар;
			*сув, йод, балиқ мойи;
			*витами́нлар ва минераллар.
	30-35 % ўқитувчи, устоз ва устознинг устозлари маҳорати		*янги билим ва инновация яратишга ва самарали ишлатишга ўргатиш

1-расм. Инновацион янги билимни яратиш қобилиятига эга ақл-заковатли авлодни тарбиялаш модели

Расмдан кўриниб турибдики, янги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган илғор ёшларнинг 70 % салоҳияти тиббиётга ва ақлли оилага боғлиқ экан. Шунингдек, 30-35 % қобилият наслга боғлиқ, 30-35 % яширин очарчиликни камайтириш, хотирани яхшилашнинг 7 принципи ва 7 турига амал қилиб яшашга ҳам боғлиқдир. 30-35 % ўқитувчи, устоз ва устознинг устозларининг маҳоратларига ҳам боғлиқдир. Ушбу моделни амалга ошириш учун қайси жиҳатларга аҳамият бериш кераклиги аён бўлиб турибди.

Қайд этиш жоизки, инсоннинг инновация ва янги билим яратиш қобилияти унинг аждодига ҳам боғлиқ. Бунда 7-10 авлоднинг интеллектуал салоҳияти намоён бўлади. Масалан, бўри, куш ва қўй болаларининг қобилиятидаги фарқни олинг. Бу қобилиятлар ҳам авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бўрининг боласи албатта йиртқич, кушнинг жўжаси албатта парвоз қиладиган, қўйнинг боласи ҳам оз фурсатда ўзини-ўзи идора қила оладиган бўлади. Бугунги кунда инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган овқатлар, сув, йод, балиқ мойи кабиларни истеъмол қилиш орқали организмни керакли витаминлар ва минераллар билан таъминлайди. Шу билан бирга устозларнинг роли ҳам ушбу жараёнда катта. Улар янги билим ва инновация яратишга ва самарали ишлатишга ўргатиш қобилиятига эга бўлишлиги керак.

Тўртинчидан, ёшларимизни илғор ва ижодкор қилиш учун, юқорида таъкидланганидек, самарали **илғор тиббиётни** шакллантириб, соғлом умрни узайтириш керак бўлмоқда. Инсоннинг умри унинг қанча яшаганлиги билан эмас, балки қандай

самарали яшаганлиги билан ўлчанади. Бунинг учун одамнинг ақлий қобилиятини ўстириш учун лозим бўлган муолажа усуллари ишлаб чиқилиши лозим. Ақлий қобилиятни ўстириш билан бирга ижодкорлик салоҳиятини ҳам оширишга алоҳида аҳамият бериш керак. Тиббиёт ҳам хотирани ва фикрлашни кучайтирадиган муолажаларни қилишга асосий эътиборни қаратишга тўғри келмоқда. Тиббиёт касалликни даволашдан кўра асосий эътиборни касалликни олдини олишга бўлмасликка қаратиш керак. Тиббиёт муассасаси “соғлиқни сақлаш”, деб юритилади. Ҳозир эса касалликни даволаш билан шуғулланмоқда. Илғор тиббиёт ўзининг номига муносиб, одамларнинг соғлиғини сақлаш билан шуғулланиш босқичига ўтиши керак.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг 2022 йил 20 декабрдаги халқимизга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш рационига доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёшу қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак”.

Бешинчидан, Учинчи Ренессанснинг талабларидан бири инсоннинг хотирасини яхшилашга ва **тафаккур** қилишига алоҳида аҳамият беришга қаратилган. Хотиранинг муҳимлиги таълим жараёнида олган илмини миясида сақлаб қолади ва ундан самарали фойдаланиш учун тафаккур қилишни ҳам фаоллаштириш лозим бўлади. Ҳозирги пайтда **инсон капитали** деган тушунча ҳаётимизга кириб келди. Бу капиталнинг кучи шу инсоннинг хотираси қандайлиги, қай тарзда тафаккур қила олиши билан белгиланади. Инсон капиталининг қиймати йўқ, аммо унинг қиммати бор. Қайси корхона ёки мамлакатда ҳақиқий инсон капитали талаб даражасида бўлса, буни рақобатда енгиш қийин. Шу жиҳатдан унинг салоҳиятини ошириш Учинчи Ренессанс учун ўта муҳимдир. Бу борада мамлакатимиз раҳбари ўзининг 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур. Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак! Бу борада Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқулланган “**A-level**” таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда”. Кўриниб турибдики таълим тизими ўнгланиш босқичига ўтган, мактабларимизда ижодкорлик, кенг фикрлаш каби муҳит шаклланимоқда. Бу ҳам Ренессанс пойдеворини шакллантиришда яхши натижалар беради.

Олтинчидан, мамлакатимизда **яширин очликни йўқотиш керак**. Қорин тўйиб овқатланиш ҳали ҳаммаси бўлди дегани эмас. Овқат билан организмга тегишли минераллар, микроэлементлар, витаминлар каби зарур моддалар кириши ва тўйиниши лозим. Шундагина инсон миясининг ишлаш қобилияти яхшиланади. Қобилиятни ўстириш учун еган овқат жисмига (танасига) бориш билан бирга кучи мияга ақлий меҳнатни амалга оширишга сафланиши лозим. Ўзбекистонда энг кам иш ҳақининг 97 фоизи бир киши учун энг зарур озиқ-овқатларни сотиб олишга етади. Бу дунёдаги энг ёмон кўрсаткичлардан бири. Экспертлар бир киши учун ўртача бир ойда энг зарур бўлган маҳсулотларни ҳисоблаб чиқишди. Бунга кўра, “бир инсон ойига: 10 литр сут; 10 дона қолипчи нон; 20 дона тухум; 1 кг пишлок; 1,5 кг гуруч; 6 кг гўшт; 6 кг мева; 8 кг сабзавот истеъмол қилади” (@bankir 28.01.2023 йил). Ушбу телеграмнинг маълумотлари бўйича “Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 2022 йил якунларига кўра, 808,6 минг сўмни тапшил этган. Юқоридаги маҳсулотларни харид қилиш учун ўртача ҳисобда ўша 808 минг пулнинг 97 фоизи сарфланади. Бу тоифадаги қимматчилик бўйича Ўзбекистон бутун дунёда фақат Нигериядан орқага қолмоқда. Таққослаш учун Буюк Британияда энг кам иш ҳақининг 6,5 фоизига юқорида саналган маҳсулотларни сотиб олиш мумкин. Бу кўрсаткич Ирландияда 7,4 фоиз, Австралияда 7,7 фоиз. Ҳамма орзу қиладиган АҚШда эса энг кам иш ҳақининг 12,5 фоизига зарур озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш мумкин” (@bankir 28.01.2023). Кўриниб турибдики, аҳолимизнинг бир қисми иш билан банд бўлишига

карамасдан етарли даражада овқатланиш имконияти чегараланган. Шу туфайли ойлик масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратиш лозим бўлмоқда.

Еттинчидан, Президентимизнинг 1 000 000 (бир миллион) дастурчини тайёрлаш бўйича кўрсатмаси ҳам ижодий ва рақамлаштириш ишларининг бошланишига, мос равишда Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантиришга асос бўлади. Мамлакатимизда 205 та туманнинг ҳар бирида биттадан ахборотлаштиришга ўргатадиган мактаб очилса, бунинг уддасидан тезда чиқилади. Бунга эришиш учун мамлакатимизда ҳам Хитой ва Ҳиндистонга ўхшаб **очик университетлар** ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Уларда энг замонавий хорижий дастурларни ва рақамли технологияларни қисқа муддатли курсларда масофадан онлайн ўқитиб, ушбу мактабларни битирган ўқувчилар масофадан туриб ишлаш кудратига эга бўлади. Хорижга мардикорчиликка бориб ўтирмасдан, шу ерда туриб хорижликлар билан ишлаб пул топиши мумкин бўлади. Муҳим жиҳат одамларимиз оғир жисмоний меҳнатдан аста-секинлик билан фақат ақлий меҳнат қилиш билан жисмоний меҳнат қилганга нисбатан 10 баробардан кўп даромад қиладиган бўлади. Бунга мамлакатимиздан анча мисолларни келтириш мумкин.

Саккизинчидан, Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантиришда бир вақтнинг ўзида ҳам хотирани кучайтириш, ҳам мантиқий фикрлашни ўрганиш учун Қурони каримни ёд олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу таълимга ҳам каттароқ имконият яратиб бериш керак. Чунки олдинги Ренессанс намояндалари ўн ёшигача ҳаммаси қуръонни ёд олган қорилар бўлган экан. Қурон таълимоти тафаккур билан биргаликда яна тасаввурни ҳам кенгайтиришга хизмат қилади. Инсонга Аллоҳ томонидан берилган ақл-заковатдан самарали фойдаланиш учун айнан шу таълимни ҳам жонлантириш лозим бўлмоқда. Сир эмас, ҳозир иккита фан доктори ёшлигида Қуръонни ёдлаб қори бўлганлардан чиқди. Улар жуда тез ва қисқа вақтда самарали ёқлашга эришди. Булар фақат биз билганларимиз, билмаганларимиз ҳам кўп бўлса керак. Мамлакатимиз раҳбари ўзининг 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримиз бўлади”.

Тўққизинчидан, бугунги кунда нисбий очарчилик оқибатида (қорни овқатга тўяди, аммо тегишли витаминлар ва микроэлементлар етишмайди) таълим тизимида болаларимизнинг хотираси пастлигидан асаби бузилиб, кўп касалликларнинг (қон босими ошиши, қандли диабет, ич қотиш, кўз ишдан чиқиши в.б.) пайдо бўлишига олиб келмоқда. Инсон умрининг узайиши БМТ таҳлиллари бўйича давлатларнинг иқтисоди, таълимнинг ҳолати ва соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолатига боғлиқлиги аниқланган. Мамлакатларда ўртача умр кўриш даражаси, дунё миқёсида, энг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Бизда ушбу кўрсаткич узоқ йиллардан буён 70-73 ёш атрофида ўртача бўлиб турибди. Янги Ўзбекистонда инсон капиталидан **“Инсоннинг ақлий капитали”** таҳлилига ўтиб, таълимнинг ёшларни соғломлаштиришга қаратилган ва ақл-заковатни ўстирадиган соҳага айлантириш борасида тегишли ишларни амалга ошириш ҳам ўта долзарб масалалардан биридир.

Хулоса ва таклифлар. Мақолада Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогнинг масъулиятига боғлиқлигини асослаш жараёнида тўққизта тавсия келтирилди. Уларни жамлаб қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

Биринчидан, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, Бобур, Замахшарий, Улуғбек, Али Қушчи қабиларга ўхшаган алломаларни чиқаришимиз учун ёшларимизга замонавий билимни бериш билан болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш, ақлий қобилиятини ривожлантириш лозимлиги асосланди.

Иккинчидан, болаларнинг қобилиятини яхшилаш учун самарали тиббиётни шакллантириб, одамларнинг соғлом умрини узайтириш, шу йўл билан ақлий қобилиятни ўстириш, хотирани яхшилаш каби ишларга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги ҳам тавсия қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда Учинчи Ренессансни шакллантириш учун жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, аммо ҳали қилинадиган ишларимиз ҳам кўп экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 21 декабрь. – 1-3 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 7 июль. 136-сон. – 2 бет.
3. Ғуломов Саидахор. Ақл капиталини ривожлантириш Учинчи Ренессанснинг энг устувор вазибаларидан бири саналади. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 5 апрель. – 1,3 бетларда.
4. Ғуломов Саидахор, Пардаев Мамаюнус. Инновацион тафаккур фаровон ва сифатли турмуш бардавонлиги кафолати. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2022 йил 3 ноябрь. – 1,3 бетларда.
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодий стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
6. Пардаев М.Қ. Иқтисодийга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, – 148 бет.
7. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодийети. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya” 2014. – 384 б.

<p style="text-align: center;">С.Гулямов, М.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Формирование Третьего Ренессанса зависит от качества образования, качество образования от ответственности педагога</p> <p>Аннотация: в статье подробно рассмотрены роль качества образования в формировании Третьего Ренессанса, значение ответственности педагога в повышении качества образования и их взаимосвязь. В результате исследования были даны научно-практические рекомендации, состоящие из девяти пунктов, касающихся повышения качества образования для формирования Третьего Ренессанса.</p> <p>Ключевые слова: образование, образовательные услуги, качество образования, педагогическая ответственность, ренессанс, инновации, интеллектуальный потенциал, здоровый образ жизни, новое поколение.</p>	<p style="text-align: center;">S. Gulyamov, M. Pardaev</p> <p style="text-align: center;">The formation of the Third Renaissance depends on the quality of education, the quality of education on the responsibility of the teacher</p> <p>Abstract: The article deals in detail with the role of quality of education in the formation of the Third Renaissance, the importance of the teacher's responsibility in improving the quality of education and their interrelation. As a result of the study, scientific and practical recommendations consisting of nine points concerning the improvement of the quality of education for the formation of the Third Renaissance were given.</p> <p>Keywords: education, educational services, quality of education, pedagogical responsibility, renaissance, innovation, intellectual potential, healthy lifestyle, new generation.</p>
--	--

Зокир Сайфидинович Артиков – СамИСИ, Реал иқтисодий кафедраси доценти, Phd,
Дамир Улугбекович Хакимов – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти талабаси

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ НЕЪМАТЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ТАСНИФИ ВА БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

<p>Аннотация: Ушбу мақолада аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари, улардаги муаммолар берилган бўлиб, аҳолининг тўлиқ маънодаги фаровонлигини таъминлашга қаратилган аниқ таклифлар, илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: фаровонлик, ижтимоий фаровонлик неъмат, эҳтиёж, моддий неъматлар, Номоддий неъматлар, товар, хизмат, ишлаб чиқариш, аҳоли талаби, аҳоли даромади.</p>
--

Кириш. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш пировард мақсад бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда мамлакатлар савдо хизматининг ролини ошириш муҳим омил бўлиб, бу борада жаҳон миқёсида савдо соҳасини янада ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда жаҳон савдо соҳасининг ривожланиши электрон

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023